

Тошкент вилояти божхона бошқармасидаги ўрганиш

Тошкент вилояти божхона бошқармасида 2020-2022 йилларда божхона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ва баҳолаш ҳамда тизимга ажратилган маблағлар сарфланиши **самарадорлик аудитидан** ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида қатор **хато** ва **камчиликлар** аниқланди.

Масалан, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Божхона қўмитаси ўртасида маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилмаганлиги оқибатида Тошкент вилоятидаги божхона постлари орқали пахта ип-калаваси ва трикотаж матони олиб чиқишда давлат бюджетига **259,7 млн сўмлик** тўловлар ундирилмай қолган (аудит давомида **241,5 млн сўми** ундирилди).

Тошкент вилояти божхона бошқармаси аудити билан боғлиқ тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун **Бош прокуратурага** тақдим қилинди.